

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Мактабгача таълим ташкилотлари
директор ва мутахассисларини қайта
тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш институти ректори**



[Signature]
К. Эшпулатов

2022 йил

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Инновацион тадқиқот лабораторияси учун мебел ва жихозлар етказиб берувчи ташкилотлар ўртасида энг яхши таклифни танлаб олишни эълон қилади.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти.

МУНДАРИЖА

I. Энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчиси учун йўл-йўриқ.

II. Энг яхши таклифни танлаб олишнинг техник қисми.

III. Энг яхши таклифни танлаб олишнинг нархига оид қисми.

IV. Шартнома лойиҳаси.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Иштирокчилар куйидаги мезонларга жавоб бериши шарт:

- шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрларга оид ва бошқа ресурсларнинг борлиги;
- шартнома тузиш бўйича қонуний ҳуқуқига эга эканлиги;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлик йўқлиги;
- уларга нисбатан банкротлик таомили киритилмаганлиги;
- ноҳалол ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида қайднинг мавжуд эмаслиги.

Иштирокчилар ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) учун зарур мутахассислар ва ресурсларга, касбий ва техник малакага, шу каби ишларни бажаришда етарли тажриба ва кўникмага, шартномани тузиш пайтида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ваколатга эга бўлиши керак.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАБ ОЛИШ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТЛАР

Мактабгача таълим ташкилоти директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Инновацион тадқиқот лабораторияси учун мебел ва жихозлар етказиб берувчи ташкилотлар ўртасида энг яхши таклифни танлаб олишни эълон қилади.

Буюртмачи: Мактабгача таълим ташкилоти директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти.

Молиялаштириш манбаи: Институтнинг бюджет маблағлари ҳисобидан.

Энг яхши таклифни танлаб олишда иштирок этиш учун иш бажарувчи ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: Ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) учун зарур мутахассислар, касбий ва техник малакага, шу каби ишларни бажаришда етарли тажриба ва кўникмага, шартномани тузиш пайтида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ваколатга эга бўлиши керак.

Буюртмачининг бошланғич нархи: Бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғисиз – 45 700 000 сўмни ташкил этади.

Мебел ва жихозларни етказиб бериш муддати – 10 (ўн) кун.

Энг яхши таклифни танлаб олиш савдоси иштирокчилари: Кўшимча маълумот олиш учун энг яхши таклифни танлаб олиш ташкилотчиси Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтига қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй, тел: (71) 254-04-11.

Буюртма бериш муддати: эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун.

Энг яхши таклифни танлаб олиш таклифлари **бир нусхада** махсус ахборот порталида электрон кўринишда илова хати билан бирга қабул қилинади.

Энг яхши таклифни танлаб олиш таклифлари 2022 йил « » гача соат гача қуйидаги <https://etender.uzex.uz> электрон манзил бўйича қабул қилинади:

Энг яхши таклифни танлаб олиш комиссиясининг йиғилиш ўтказиладиган вақти: 2022 йил « » соат да.

Тижорат таклифларини қабул қилиш бўйича масъул шахс:

Бош ҳисобчи – Бердимуротов Адхам Хайрулла ўғли, телефон:

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Инновацион тадқиқот лабораторияси учун мебел ва жихозлар етказиб бериш бошланғич нархи бўйича маълумот

| № | Товар номи | Ўлчов кўрсаткичлари | Техник шартлари | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Умумий суммаси |
|----|--|--|---|---------------|---------|-----------|----------------|
| 1. | Детский шкаф для одежды пятисекционный | <p>Расстояние от пола – не менее 100 мм. Высота полок для головных уборов и обуви не менее 150 мм Длина – не менее 1366 мм Глубина – не менее 344 мм Высота – не менее 1228 мм</p> | <p>Шкаф для детской одежды 5-ти секционный, состоит из пяти секций за распашными дверками. Ширина каждой секции не менее 250 мм глубина не менее 320 мм. В каждой секции установлены полки для головных уборов и обуви, и крючки для одежды. Детали детского шкафа для одежды изготавливаются из фанеры толщиной 12 мм, полки из фанеры толщиной 6-8 мм, покрытые полиуретановым или акриловым лаком. Все видимые кромки притуплены, углы заовалены. Сборка деталей осуществляется с помощью эксцентриковых или винтовых стяжек (бочонок), а также угловых стяжек. Дверки устанавливаются на четырехшарные петли, переставные полки на полкодержатели. Задняя стенка изготавливается из фанеры толщиной 3мм или из ламинированного ХДФ толщиной 3.2 мм. При использовании фанеры лицевые поверхности должны иметь сортность не ниже II по ГОСТ 3916.1</p> | дона | 4 | 1 650 000 | 6 600 000 |
| 2. | Детский стол | <p>Стол №1 Длина стола (l) 1800 мм. Ширина крышки стола, b, 1000 мм. Высота рабочей плоскости, h, 520 мм. Расстояние от пола до нижней кромки выступающей конструкции под крышкой стола, h1, не менее 350 мм.</p> | <p>Подстолье состоит из продольных и поперечных царг, соединенных между собой угловыми стяжками для столов (ОМК), и ножек, номинальным размером в сечении 35х35 мм. Ножки крепятся к царгам с помощью шпилек и гаек, само подстолье крепится к крышке с помощью угловых стяжек. Детали столешницы и подстолья изготавливаются: щитовые детали – из клееных щитов (щиты, скленные из брусков твердых лиственных пород на гладкую фугу) или фанеры клееной толщиной 12 мм, брусковые детали – из пиломатериала твердых лиственных пород. На лицевых поверхностях допускаются здоровые сросшиеся сучки диаметром не более 20 мм в количестве 4 штук на 1 квадратный метр. Прочие пороки древесины (червоточина, химические окраски, внутренняя заболонь, трещины, грибные</p> | Дона | 10 | 780 000 | 7 800 000 |

| | | | | | | | |
|----|--|--|---|------|----|-----------|------------|
| | | | поражения) не допускаются. При использовании фанеры лицевые поверхности должны иметь сортность не ниже II по ГОСТ 3916.1 | | | | |
| 3. | Шкаф для дидактических игр, пособий по разным видам деятельности и игрушек. | Высота- 900 мм Длина - 1300 мм Глубина - 300 мм | 'Многофункциональный шкаф для хранения и демонстрации детских поделок, дидактических игр и пособий по различным видам. Шкаф состоит из 7 секций, 2 из них за распашными дверками. Детали шкафа изготовлены из фанерных плит толщиной 12 мм. Сборка шкафа осуществляется с помощью эксцентриковых или винтовых стяжек. Задняя стенка изготавливается из фанеры толщиной 3-4 мм или из ламинированной (в тон основного материала) ДВП толщиной 3-4 мм в и крепится шурупами. При использовании фанеры лицевые поверхности должны иметь сортность не ниже II по ГОСТ 3916.1 Ребра деталей должны быть притуплены. Отделка - полиуретановыми или акриловыми лаками. Гарантийный срок 18 месяцев. | Дона | 10 | 2 150 000 | 21 500 000 |
| 4. | Детский стул | 'Стул №1: Высота сиденья, Н 260 мм, Ширина сиденья, L, не менее 250мм. Глубина сиденья - не менее 260мм. Высота нижнего края спинки над сиденьем, h1.120мм. Высота верхнего края спинки, над сиденьем, h3, не более 250 мм. Высота линии перегиба спинки, h2, не более 160мм. Ширина спинки, П, не менее 240мм. | Детский стул столярный с возможностью штабелирования по высоте . Стул состоит из задних ножек, сращенных между собой передней ножки и боковой царги (боковина стула), рамки с сиденьем и спинки. Рамка с профилированным сиденьем крепится к «боковинам» на шкантах с клеем и шурупах. Задняя ножка крепиться к «боковине» на шкантах и клею. Профилированная спинка крепиться к задним ножкам на шпихах или шкантах на клею. «Боковина» и задняя ножки имеют наклон в 1-1,5 градуса для обеспечения штабелирования стульев. Задняя ножка, «боковина» и рамка изготавливаются из пиломатериала твердых лиственных пород, допускается изготовление их из фанеры клееной толщиной 6-12 мм. Спинка (толщиной 6-12 мм) и сиденье (толщиной 5-6 мм) изготавливаются из фанеры. | Дона | 50 | 160 000 | 8 000 000 |
| 5. | Стол обеденный | 'Стол обеденный длина 1200 мм, ширина 600 мм высота рабочей плоскости 460мм, расстояние от пола до нижней кромки выступающей конструкции под крышкой стола не менее 350 мм. | 'Стол обеденный состоит из столешницы и подстоля. Подстолье состоит и продольных и поперечных царг, соединенных между собой угловыми стяжками для столов (ОМК), и ножек, номинальным размером в сечении 35x35 мм. Ножки крепятся к царгам с помощью шпилек и гаек, само подстолье крепится к крышке с помощью угловых стяжек. Детали столешницы и | Дона | 2 | 900 000 | 1 800 000 |

| | | | | | | | |
|--|--|--|--|--|--|--|-------------------|
| | | | <p>подстоля изготавливаются: щитовые детали – из клееных щитов (щиты, скленные из брусков твердых лиственных пород на гладкую фугу) или фанеры клееной толщиной 6-18 мм, брусковые детали – из пиломатериала твердых лиственных пород. На лицевых поверхностях допускаются здоровые сросшиеся сучки диаметром не более 20 мм в количестве 4 штук на 1 квадратный метр. Прочие пороки древесины (червоточина, химические окраски, внутренняя заболонь, трещины, грибные поражения) не допускаются. При использовании фанеры лицевые поверхности должны иметь сортность не ниже II по ГОСТ 3916.1</p> | | | | |
| | | | Жами | | | | 45 700 000 |



ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎЛ-ЙЎРИҚ

| | | | |
|---|--|-----|---|
| 1 | Умумий қоидалар. | 1.1 | Мазкур энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (кейинги ўринларда – Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. |
| | | 1.2 | Энг яхши таклифни танлаб олиш предмети: Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти янги биноси ташки қисмларига бўртма ҳарфларни тайёрлатиш ва ўрнатиш бўйича иш ва хизмат бажарувчи ташкилотни аниқлаш бўйича шартномани тузиш ҳуқуқи. |
| | | 1.3 | Бошланғич нархи: Бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғисиз – 45 700 000 сўмни, иш ва хизматни бажариш муддати – 10 (ўн) кунни ташкил қилади. |
| | | 1.4 | Энг яхши таклифни танлаб олиш комиссияси йиғилиши шакли – очиқ ҳолатда видео ва фото тасвирга туширилган ҳолда. |
| 2 | Энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчилари | 2.1 | Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти энг яхши таклифни танлаб олиш буюртмачиси (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. |
| | | 2.2 | Ташкилотчининг мулоқот қилувчи шахси: С. Норкулов |
| | | 2.3 | Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти энг яхши таклифни танлаб олиш ташкилотчиси ҳисобланади. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй телефон: (71) 254-04-11. |
| | | 2.4 | Энг яхши таклифни танлаб олиш “Буюртмачи”нинг буйруқ асосида ташкил этган комиссия томонидан ўтказилади. |
| 3 | Энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчилари | 3.1 | Энг яхши таклифни танлаб олишда мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар иштирок этиши мумкин (<u>4.2 бандда келтирилган шахслар бундан мустасно</u>). |
| 4 | Энг яхши таклифни танлаб олишни ўтказиш шарти | 4.1 | Энг яхши таклифни танлаб олишда иштирок этиш учун, энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчиси қуйидагиларни амалга ошириши лозим: а) энг яхши таклифни танлаб олиш шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжат-ларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш); б) энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжатлар шартларига мувофиқ энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжатларини топшириш. |
| | | 4.2 | Қуйидаги иштирокчиларнинг энг яхши таклифни танлаб олишда қатнашишига йўл қўйилмайди: |

| | | | |
|---|--|-----|--|
| | | | кайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидн кечираётган; |
| | | | “Буюртмачи” билан судда ёки ҳакамлик судда тортишаётган; |
| | | | Ноҳалол ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган; |
| | | | солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги бор; |
| | | | имтиёзли солиқ режимини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишда маълумотларни ошқор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб-рақамларига эга бўлган. |
| | | 4.3 | <p>Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини энг яхши таклифни танлаб олишда катнашиш таомилида иштирок этишдан четлаштиради:</p> <p>Иштирокчи тўғридан-тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг, ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир энг яхши таклифни танлаб олиш таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;</p> |
| | | 4.4 | Иштирокчи адолатсиз энг яхши таклифни танлаб олиш устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса. |
| 5 | Энг яхши таклифни танлаб олиш тили. | 5.1 | Энг яхши таклифни танлаб олиш таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек тилида бўлиши керак. |
| 6 | Энг яхши таклифни танлаб олиш таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби | 6.1 | Порталда эълон қилинган энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчилари, ўз таклифларини эълонда белгиланган тартибда электрон шаклда махсус ахборот порталида энг яхши таклифни танлаб олиш ўтказилиши ҳақидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича тақдим қилади. |
| | | 6.2 | Энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчиларига таклифларни варақлари тикилган, номер қўйилган, муҳрланган ва иштирокчи ваколатли шахс имзоси билан тасдиқланган ёки таклифнинг ҳар бир бети имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия қилинади. |
| | | 6.3 | Иштирокчининг энг яхши таклифни танлаб олиш таклифи энг яхши таклифни танлаб олиш комиссияси томонидан ишчи органга почта орқали ёки иштирокчи ваколатли шахси орқали етказилади. Энг яхши таклифни танлаб олиш таклифи берилиши санаси ва вақти ишчи орган томонидан энг яхши таклифни танлаб олиш таклифларини рўйхатга олиш журналида қайд қилинади ва иштирокчи ваколатли шахси имзоси билан тасдиқланади (агарда у мавжуд бўлса). |
| | | 6.4 | Энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчиси: тақдим қилаётган маълумот ва ҳужжатларининг |

| | | | |
|---|---|------|---|
| | | | <p>хақиқий ва ишончлилиги учун маъсул ҳисобланади;</p> <p>тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.</p> |
| | | 6.5 | <p>Энг яхши таклифни танлаб олиш таклифи энг яхши таклифни танлаб олиш шартларига мос бўлган ва қуйидаги маълумотларни қамраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади: хизматнинг номланиши, хизмат кўрсатиш қиймати, якуний сумма, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиши муддати ва ҳ.з.</p> |
| | | 6.7 | <p>Энг яхши таклифни танлаб олиш электрон кўринишда тақдим қилинади (ҳужжатлар кетма кетлигида PDF шаклда имзоланган бўлиши керак)</p> |
| | | 6.8 | <p>Электрон ҳужжатларда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - энг яхши таклифни танлаб олиш предметининг номланиши; - иштирокчининг номланиши; - буюртмачининг номланиши ва унинг манзили; - таклифлар берилишининг сўнгги муддатигача очилмасин” (ҳужжатларни очиш вақти ва санаси кўрсатилсин). |
| | | 6.9 | <p>Нархга оид таклифлар мавжудлигига талаблар:</p> <p>Нархга оид таклиф йўриқнома талабларига мувофиқ ҳолда.</p> |
| | | 6.10 | <p>Ишчи орган ушбу йўриқнома талабларига мос равишда расмийлаштирилган, энг яхши таклифни танлаб олиш таклифлари кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги учун маъсул ҳисобланади.</p> |
| | | 6.11 | <p>Энг яхши таклифни танлаб олиш таклифлари</p> <p>2022 йил « » соат гача қуйидаги махсус ахборот порталида қабул қилинади махсус ахборот порталида</p> <p>Энг яхши таклифни танлаб олиш комиссияси йиғилиши ўтказиладиган вақт</p> <p>2022 йил « » соат .</p> |
| | | 6.12 | <p>Иштирокчилар энг яхши таклифни танлаб олиш таклифлари амал қилиши муддати тақдим қилинган энг яхши таклифни танлаб олиш таклифлари тақдим қилиниши тугалланган кундан 10 кундан ошмаслиги керак.</p> |
| 7 | Тақдим қилинган энг яхши таклифни танлаб олиш таклифлари муддатини узайтириш | 7.1 | <p>Зарур ҳолларда, буюртмачи энг яхши таклифни танлаб олиш таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириши, шунингдек энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчиларига энг яхши таклифни танлаб олиш комиссияси қарорига кўра таклифлари амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилиши мумкин.</p> |
| | | 7.2 | <p>Энг яхши таклифни танлаб олиш таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон махсус ахборот порталда жойлаштирилади ва бошқа ОАВ да эълон қилинади.</p> |
| 8 | Энг яхши таклифни танлаб | 8.1 | <p>Зарур ҳолларда буюртмачи энг яхши таклифни танлаб</p> |

| | | |
|---|------------|--|
| | | <p>олиш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш</p> <p>олиш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.</p> <p>Энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор таклифларни тақдим қилиш муддати тугашидан қаида уч кун аввал қабул қилиниши мумкин.</p> <p>Энг яхши таклифни танлаб олиш таклифларига ўзгартишлар киритиш жараёнида</p> <p>Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки уларнинг тавсифлари ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.</p> <p>Таклифларни бериш муддати тугаган пайтда энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганда энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан бошлаб, қаида ўн кунга узайтирилади.</p> <p>Айни пайтда эълонда кўрсатилган маълумот ўзгартирилган тақдирда, энг яхши таклифни танлаб олишни ўтказиш ҳақидаги эълонга ҳам ўзгартишлар киритилади.</p> |
| <p>9 Энг яхши таклифни танлаб олиш таклифларини ўрганиш тартиби ва уларни баҳолаш мезонлари</p> | <p>9.1</p> | <p>Эълонда энг яхши таклифни танлаб олишни ўтказиш санаси сифатида кўрсатилган вақтда энг яхши таклифни танлаб олиш таклифларини энг яхши таклифни танлаб олиш комиссияси томонидан энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчилари берган таклифлар юборилган ҳужжатларни очади. Энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчисининг ваколатли вакили ўрганиш жараёнида иштирок этишга ҳақли.</p> |
| | <p>9.2</p> | <p>Энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчилари таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати энг яхши таклифни танлаб олиш таклифлари берилиши яқунланган санадан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.</p> |
| | <p>9.3</p> | <p>Таклифлар юборилган ҳужжатлар ўрганилганда унда барча ҳужжатларнинг борлиги ва улар тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади. Файлда тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда энг яхши таклифни танлаб олиш комиссияси уни кўриб чиқиш ва баҳолашга қўймасликка ҳақли.</p> |
| | <p>9.4</p> | <p>Энг яхши таклифни танлаб олиш комиссияси рад қилинмаган таклифларни энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжатида кўрсатилган мезонлар асосида энг яхши таклифни танлаб олиш ғолибини аниқлайди.</p> |
| | <p>9.5</p> | <p>Энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчиси тақдим қилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг сохталлиги аниқланса, энг яхши таклифни танлаб олиш комиссияси бундай иштирокчини энг яхши таклифни танлаб олишда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли.</p> |
| | <p>9.6</p> | <p>Энг яхши таклифни танлаб олиш таклифлари асосида энг яхши таклифни танлаб олиш ғолибини аниқлаш энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжатида баён қилинган мезонлар асосида амалга оширилади.</p> |
| | <p>9.7</p> | <p>Таклиф Қонун, қарор ва энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаш-тирилган деб ҳисобланади.</p> |

| | |
|--|---|
| | <p>9.8 Энг яхши таклифни танлаб олиш комиссияси таклифни берган энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчиси Қонун, қарор ва энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, ёки энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчисининг таклифи энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжатлари талабларига мос бўлмаса, таклифни рад этади.</p> |
| | <p>9.9 Энг яхши таклифни танлаб олиш таклифларини ўрганишда энг яхши таклифни танлаб олиш комиссияси энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчиларидан уларнинг энг яхши таклифни танлаб олиш таклифлари бўйича тушунтиришлар сўраб олишга ҳақли. Ушбу таомил расмий равишда, ёзма шаклда энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчилари орқали ўтказилади. Тушунтириш жараёнида таклифни мазмуни, шунингдек нархи бўйича бирон-бир ўзгартиш киритилишига йўл қўйилмайди.</p> |
| | <p>9.10 Агар энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчилари энг яхши таклифни танлаб олиш таклифларини турли валюталарда кўрсатса, таклифлар суммалари уларни баҳолаш пайтида ҳужжатлар юборилган сана бўйича энг яхши таклифни танлаб олиш таклифининг нархга оид қисми билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича ягона валютада ҳисоб-китоб қилинади.</p> |
| | <p>9.11 Энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчиси ғолиб деб топилади.</p> |
| | <p>9.12 Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда энг яхши таклифни танлаб олиш комиссияси, бу ҳақда энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчисини хабардор қилгани холда, энг яхши таклифни танлаб олиш таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.</p> |
| | <p>9.13 Энг яхши таклифни танлаб олишнинг хорижий ва мамлакатдаги иштирокчилари нархларини адолатли таққослаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда, баҳолаш пайтида тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбуриятлар) ҳисобга олинади.</p> |
| | <p>9.14 Таклифларни кўриб чиқиш натижалари энг яхши таклифни танлаб олиш комиссияси баённомасида қайд қилинади.</p> |
| | <p>9.15 Баённома энг яхши таклифни танлаб олиш комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади, ва ундан кўчирма у имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида махсус ахборот порталида чоп этилади.</p> |
| | <p>9.16 Энг яхши таклифни танлаб олиш комиссияси баённомаси эълон қилинганидан сўнг энг яхши таклифни танлаб олишнинг ҳар қандай иштирокчиси буюртмачига энг яхши таклифни танлаб олиш натижасини тушунтириш бўйича сўров юборишга ҳақли. Бундай сўров келиб</p> |

| | | | |
|-----------|--|------|--|
| | | | тушган пайдан бошлаб уч иш куни давомида энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчисига тегишли тушунтиришлар беришга мажбур. |
| 10 | Томонлар масъулияти ва махфийликка риоя қилиш | 10.1 | <p>Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган жавобгарлик қуйидагиларга юклатилади:</p> <p>келиб тушаётган энг яхши таклифни танлаб олиш таклифлари ҳисобини юритаётган, уларнинг бутлиги ва махфийлигини таъминлаётган ишчи орган таркибига кирувчи шахслар</p> <p>комиссия раиси ва аъзолари маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга йўл қўйиш, шунингдек бошқа ноконуний хатти-ҳаракатлар учун.</p> <p>шартнома бўйича мажбуриятларни (миқдор, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) бажармаган энг яхши таклифни танлаб олиш ғолиби, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва/ёки тузилган шартномада кўзда тутилган тарзда жавобгар ҳисобланади.</p> |
| 11 | Бошқа шартлар | 11.1 | Энг яхши таклифни танлаб олишда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган энг яхши таклифни танлаб олиш ҳақида тушунтиришлар олиш учун “Буюртмачи” вакилига мурожаат қилишга ҳақли. |
| | | 11.2 | Энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчиси буюртмачига энг яхши таклифни танлаб олиш ўтказилиши ҳақидаги эълонда келтирилган шаклдаги энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар бериш ҳақида сўров юборишга ҳақли. Ушбу сўров буюртмачига таклифлар берилиши яқунланиши санасидан камида икки кун аввал келиб тушган тақдирда буюртмачи кўрсатилган сўров келиб тушган санадан бошлаб икки иш куни давомида белгиланган шаклда энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар юборишга мажбур. Энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар унинг мазмунига зид бўлмаслиги керак. |
| | | 11.3 | <p>Қуйидаги ҳолларда энг яхши таклифни танлаб олиш комиссияси энг яхши таклифни танлаб олишни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> - энг яхши таклифни танлаб олишда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда; - таклифларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича энг яхши таклифни танлаб олиш комиссияси барча таклифларни энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда. |
| | | 11.4 | Ғолиб чиққан таклиф акцептигача буюртмачи исталган пайтда энг яхши таклифни танлаб олишни бекор қилиши мумкин. Энг яхши таклифни танлаб олиш бекор қилинган тақдирда буюртмачи махсус ахборот порталида бундай қарорнинг асосли сабабларини чоп этади. |

| | | | |
|----|------------------|------|--|
| 12 | Шартома тузилиши | 12.1 | Энг яхши таклифни танлаб олиш натижаларга кўра шартнома у билан шартнома тузилаётган энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчиси томонидан такдим қилинаётган энг яхши таклифни танлаб олиш хужжатлари ва таклифларида кўрсатилган шартларда тузилади. |
| | | 12.2 | Энг яхши таклифни танлаб олиш комиссияси томонидан ғолиб деб топилган энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчиси буюртмачидан тегишли ёзма хабарнома олади. |
| | | 12.3 | Энг яхши таклифни танлаб олиш ғолиби энг яхши таклифни танлаб олиш шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, шартнома тузиш ҳуқуқи захирадаги ижрочига ўтади. Бунда захирадаги ижрочи энг яхши таклифни танлаб олиш ғолиби таклиф қилган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. |

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМАЛИ БЛАНКАСИДА

№: _____

Санаси: _____

Энг яхши таклифни танлаб олиш комиссиясига**БУЮРТМАЧИ**

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти янги биноси ташқи қисмларига бўртма ҳарфларни тайёрлатиш ва ўрнатиш бўйича иш ва хизмат бажарувчи ташкилотни аниқлаш юзасидан жойлаштирилган энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжати _____–сонли лот бўйича ўрганиб чиқиб, энг яхши таклифни танлаб олиш ҳужжатларига мувофиқ хизматлар кўрсатиш бўйича энг яхши таклифни танлаб олишда иштирок этмоқчимиз.

Шу муносабат билан электрон тарзда қуйидаги ҳужжатларни йўлламоқдамиз:

1. Энг яхши таклифни танлаб олиш бўйича ҳужжатлар ____ бетда;
2. Энг яхши таклифни танлаб олиш таклифининг нархга оид қисми.
3. Бошқа ҳужжатлар (*бошқа ҳужжатлар тақдим қилинган ҳолда варақлар номи ва сонини кўрсатиш шарт*).

Энг яхши таклифни танлаб олиш таклифини тайёрлаш бўйича маъсул шахснинг Ф.И.О.

Мулоқот учун телефон/факс:

Электрон почта: _____

Ф.И.О. ва раҳбар ёки ваколатли шахс имзоси

Мухр ўрни

Шаклларнинг барча саҳифалари топширилаётганда энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши зарур.

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМАЛИ БЛАНКАСИДА

№: _____

Санаси: _____

Энг яхши таклифни танлаб олиш комиссиясига

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу билан шуни тасдиқлаймизки, _____ компанияси:
(компаниянинг номланиши)

- Қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик ҳолатида эмас.
- (буюртмачи номланиши) билан судда ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатига эмас.
- Аввал тузилган шартномалар бўйича керакли тарзда бажарилмаган мажбуриятлари йўқ.

Имзолар:

Раҳбарнинг Ф.И.О. _____

Бош ҳисобчи (молиявий бўлим бошлғи) Ф.И.О. _____

Ҳуқуқшунос Ф.И.О. _____

Мухр ўрни

Шаклларнинг барча саҳифалари топширилаётганда энг яхши таклифни танлаб олиш иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши зарур.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № _____

“ _____ ” июнь 2021 йил

Тошкент шаҳри

“ _____ », бундан буён «Бажарувчи» деб аталувчи, раҳбари _____ Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва **Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти**, бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи, раҳбари **К. Эшпулатов**, Устав асосида иш юритувчи иккинчи томондан қуйидагилар тугрисида шартнома тузадилар:

1. Шартнома предмети

1.1 «Иш бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан буюртма қилинган Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти янги биносига қуйида жадвалда кўрсатилган иш хажмларини бажариб беради, «Буюртмачи» эса иш хажми буйича бажарилган (хизматлар) ишларини қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида туловларни амалга оширади.

| № | Товар (иш, хизмат) номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Умумий суммаси |
|--------------|-------------------------|---------------|---------|-------|----------------|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| ЖАМИ: | | | | | |

2. Бажариладиган иш хажмининг нархи ва умумий қиймати

2.1 Бажариладиган иш хажмининг умумий қиймати Республикамиз миллий валютаси сўмда белгиланади.

2.2 Шартнома умумий суммаси _____ (_____) сўмни ташкил қилади (*Қўшилган қиймат солиғисиз*).

2.3 Бажариладиган ишнинг қиймати, нарх ошганлиги натижасида узгарганда, «Буюртмачи»га олдиндан хабардор қилиб, узгарган нархини асослаган ҳолда иш бажарилади.

2.4 «Буюртмачи» узгарган нархлар асосида қушимча туловларни бюджетда курсатилган лимит доирасида амалга оширади.

3. Тулов шартлари

3.1 Бажариладиган иш хажмини тулик қийматининг 30%и миқдорда _____ банк кунда «Иш бажарувчи»нинг маҳсус ҳисоб рақамига (сумда) олдиндан туловни амалга оширади.

3.2 Тулик хизматлар (ишлар) бажарилгандан сунг бажарилган ишлар далолатномаси (ҳисоб фактура) асосида _____ банк кунда қолган 70% тулов «Иш бажарувчи»нинг маҳсус ҳисоб рақамига утказиб берилади.

3.3 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Иш бажарувчи» шартномада курсатилган иш хажмини бажармасликга ҳақли булади.

3.4 «Буюртмачи» туловларни бажарилган иш (курсатилган хизмат, акт далолатномаси, ҳисоб-фактура)га асосан шартномадаги умумий суммадан чиқмаган ҳолда амалга оширилади.

4. Ишнинг бажарилиш тартиби

4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чиқмаган ҳолда «Иш бажарувчи» шартномада курсатилган ишларни тулик бажариши шарт.

4.2 Шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблағлари «Иш бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига утказилгандан сунг _____ банк иш кунда шартномада курсатилган иш (хизмат)лар бажарилиши шарт.

4.3 Бажариладиган иш хажми шартноманинг умумий суммасидан ошса «Буюртмачи» ва «Иш бажарувчи» томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида бюджет маблағлари доирасида узгартириш киритиши ёки бекор қилиниши мумкин.

4.4. Шартномада курсатилган иш хажмини «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га топширгандан сунг иш тулик бажарилган ҳисобланади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 «Иш бажарувчи» мажбуриятлари:

- Олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг, шартномада курсатилган иш хажмини бажаришни бошлайди.

- «Иш бажарувчи» ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.

- Иш жараёнида «Буюртмачи» аниқланган камчиликларни уз вақтида бартараф этиб боради.

5.2 «Буюртмачи» мажбуриятлари:

- Бажарилган иш хажмини қабул қилиб олгунча «Иш бажарувчи» иштирокида бажарилган ишни обдон куздан кечиради ва унинг сифатига яроқлилигига эътибор беради;

- Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз булса, «Буюртмачи» қабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини қайтадан тулик, сифатли, бажариб беришини талаб қилишга ҳақли булади.

- Бажарилган иш хажми «Буюртмачи» томонидан тулик қабул қилиб олингандан сунг «Иш бажарувчи»га шартномада курсатилган сумманинг қолган қисмини тулик утқазиб бериши шарт.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада курсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонунининг асосан 25-32 бандлари буйича жавобгар буладилар.

6.2. Туловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.05% миқдорда, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тулайди.

6.3. Шартномада курсатилган иш хажмини уз вақтида бажарилишини кечиктирилганлиги учун «Иш бажарувчи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.05% миқдорда, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тулайди.

6.4. Бажарилган иш хажми «Буюртмачи» томонидан қабул қилингандан кейин икки томоннинг қелишувига биноан ___ ой муддатга жавобгарлик «Иш бажарувчи» томонида қолади.

6.5 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.6 Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама узгартириш киритишга йул қуйилмайди.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома буйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2. Томонлар уртасада шартномани тузишда, бажарилишида, узгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар оғохлантириш ва даъво ҳатлари тартибида, агарда мурасага қелинмаганда вилоят Иқтисодиёт Суди орқали ҳал қилинади.

8. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

8.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларини амалга оширмаслик;

шу жумладан пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёزلарни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида Институт ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муайян ҳаракатларни бажармаслиги шарт.

Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар.

8.2. Агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Институт ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган хатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилганлиги ҳақида қуйидаги алоқа каналларига мурожаат қилиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг “71 207-04-08” рақамидаги ишонч телефони ёки “1008” Адлия вазирлигининг ишонч телефони орқали;

Адлия вазирлигининг (“@anticorbot”) телеграм каналлари орқали.

9. Кушимчалар

9.1. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва кушимчалар қонуний кучига эга бўлади. Узгариш ва кушимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг мухири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

9.2. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва маҳсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

9.3. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш хажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

10. Форс- мажор

10.1 Агар шартнома тузилгандан сунг икки томон уз мажбуриятларини гайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер кимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тула ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

11. Шартноманинг амал қилиш муддати

11.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва «31» декабр 2021 йилгача амалда бўлади.

11.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб икки томон учун ҳам тенг кучга эга бўлиб банк ҳисоб-китобларини амалга оширишга асос бўлади.

12. Томонларнинг юридик манзили

| «Иш бажарувчи» | «Буюртмачи» |
|----------------|----------------|
| НОМИ: _____ | НОМИ: _____ |
| МАНЗИЛ: _____ | МАНЗИЛ: _____ |
| ХҲР: _____ | ХҲР: _____ |
| ИНН: _____ | ИНН: _____ |
| ОКОНХ: _____ | ОКОНХ: _____ |
| МФО: _____ | МФО: _____ |
| НОМИ: _____ | НОМИ: _____ |
| Тел: _____ | Тел: _____ |
| РАХБАР _____ | РАХБАР _____ |
| (имзо) (ф.и.о) | (имзо) (ф.и.о) |